

Аллоҳга бандалик шарафдир



07:30 / 03.04.2019 7277

Аллоҳга бандалик, қулликкина инсон шарафини улуғлайди, унинг мартабасини кўтаради, инсонларга мутеълик шармандалигидан халос этади. Орифлар устози Жалолиддин Румий айтади: “Зиндаги омад баройи бандаги, зиндаги бевандагий шармандагий”, яъни “Тириклик фақат бандалик учундир, бандаликсиз тириклик шармандаликдир”. “Маънавий қулликдан шармандалироқ мутеълик йўқ”, деган яна бир аллома.

Аллоҳга бандалик, Яратган Холиққа, буюк Парвардигорга қуллик қилмайдиганлар “чинакам хурриятга эришганмиз”, дея ўйласалар-да, билиб-билмаган ҳолда бошқа нарсаларнинг қулига айланиб бўлишган. Масалан, Аллоҳга бандалик қилмайдиган киши аслида шайтоннинг ёки нафсининг қулдир. Аллоҳга исён, итоатсизлик қиляптими, демак, шайтоннинг йўлига кириб бўлган: Аллоҳ буюрганига қарамай, гуноҳдан қайтмайди, ёмон йўлларда юради, бузуқлик қилади, У зот ҳаром қилган нарсаларни истеъмол қилади. Шайтонга ва нафсига қул бўлганлар учун гўёки бу дунё ҳаётигина мавжуд, холос. Улар ўзларини ким яратгани, нега дунёда келгани, охираат дунёсидаги оқибатлари нима бўлиши, Аллоҳ ҳузурида ҳисоб-китобдан ўтишлари ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди. Буни ишташмайди ҳам. Аллоҳга қуллик қилишни истамадими, демак, инсонларга қуллик қилиш йўлини танлаган: бошига бир иш тушса, Парвардигорига илтижо қилмайди, “фалончи акам қўллайди, жонимга оро киради” деб

ўйлайди. Ризқни Аллоҳ бераётганига ақлини ишлатмайди, фалончи ҳаракатим туфайли катта пул топяпман, деган хаёлга боради. Аллоҳга бандалик қилмайдиган одам ҳеч бўлмаганда нафсининг қулига айланади, ана шу катта душманига итоат қилишни бошлайди.

“Бошингга қандай иш тушмасин, ҳаммаси аввалдан тақдирингга ёзиб қўйилган. Зеро, чигал сабаблар ибтидоданоқ сенинг мавжудлигингни шу ишларга боғлаб туради”, дейди донишмандлардан бири. Ёки Аллоҳ белгилаган чегараларда ҳуррият излайдиганлар барибир жамият қонунларининг қуллигига маҳкумдирлар. Донолардан бири айтади: “Озод бўлиш учун қонунларнинг қулига айланишга тўғри келади”. Аллоҳдан қўрқмайдиганлар тўла ҳурликка эришмаган, улар барибир инсонлардан, раҳбарлардан, мансаб ёки бойликда ўзларидан устун кимсалардан қўрқишади. “Ўзгалардан қўрқувчи кимса, гарчи ўзи буни сезмаса-да, қулдир” деган экан ўтмиш донишмандларидан бири. Айрим инсонлар Парвардигорларидан қўрқишмайдию, аммо У зотнинг бало-офатларидан қаттиқ қўрқишади. Ваҳоланки, атоқли Ислом олими Муҳаммад Зоҳид Қўтқу айтганидай, “Дунёдаги турли офату балолар ҳам Роббил оламининг лутфу эҳсонидир, бандасини Ўзига қаратмоқ ва илтижо эттирмақ учун бир василадир”.

Инсонлар ана шу ҳақиқатни тан олмай, ҳуррият масаласида ҳамиша адашувда бўлган. Ислом дини шахс ҳурриятини илоҳий мезон ўлчовларида баҳолади, чинакам озодлик нимада эканини кўрсатиб берди. Исломнинг буюк адолати шундаки, у барча инсонларни ҳур, тенг ва насаб-мансабда баравар, деб эълон қилди. Агар шундай бўлмаганида қулдорлик авжига чиққан бир даврда юборилган бу дин қул билан хожани бир мақомга қўймаган бўлур эди. Масалан, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг Аммор ибн Ёсир, Билал Ҳабаший, Салмон Форсий каби ўнлаб саҳобалари мусулмон бўлишгунча қул эдилар. Айнан Исломгина қул озод қилишни ибодат ва гуноҳларга каффорат (эваз) даражасига кўтарди. Айна шу дингина қулининг айби учун бир тарсаки туширган хожага бу гуноҳи эвазига ўша қулини озод қилишга буюрди.

Аммо Исломдан беҳабар ёки даҳрийлик ҳукмрон бўлган жамиятларида асл ҳурриятни Аллоҳга бандалик, қуллик қилишда эмас, инсон хоҳиш-истакларига тўла эрк беришда деб тушунишади. Улар наздида ҳатто Аллоҳга итоат, диндорлик, художўйлик шахс эркини жиловлаш, унинг ҳурриятига тўсиқ қўйиш манбалари эмиш. Ваҳоланки, жамиятда бошқарув низоми, эътиқодий дастур йўқолса, инсонлар асл фитрий қиёфаларини

йўқотиб, ҳайвонга айланишган ва алал-оқибат инсонийликдан ажраб,
ҳалокат сари йўл олишган бўлур эди.